

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаи
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 20 май, № 96 (3895)

Шанба

САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛАЁТГАН ЗАМИН

Илгари хабар қилинганидек, Президентимиз Ислоҳ Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва олиб борилаётган ислохотлар жараёни билан танишиш мақсадида 18-19 май кунлари Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 18 май куни Бухородаги шаҳар Марказий истироҳат боғини кўздан кечирди. Қарийб 72 гектар майдонни эгаллаган, тубдан таъмирланган ва бутунлай янгича қиёфа касб этган мазкур боғда бухороликлар ва шаҳар меҳмонларининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Хорижий сайёҳлар кўп келаётган Бухоро каби қадимий шаҳар учун бундай боғнинг аҳамияти катта.

Ўртбошимиз бу ерда амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишларига юқори баҳо берди. Боғ, жумладан, жорий йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида барпо этилган Хотира хиёбони ён-атрофдаги тарихий обидалар билан уйғунлашиб, яхлит бир мажмуага айланганини таъкидлади.

— Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида Хотира хиёбони барпо этилган, — деди давлатимиз раҳбари. — Лекин улар бир-бирига ўхшаб қолмаслиги керак. Чунки ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, анъаналари бор. Бу ўзига хослик ҳар бир хиёбон, ундаги Она сиймосида ҳам акс этмоғи лозим.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан мамлакатимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, хусусан, янги тиббиёт муассасалари, соғломлаштириш масканлари барпо этилмоқда. Президентимиз ана шундай иншоотлардан бири — Бухоро шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган диагностика маркази фаолияти билан танишди. Олтиш нафарга яқин тиббиёт ходими меҳнат қиладиган ушбу марказда кунига юздан зиёд беморга хизмат кўрсатилади.

Ўртбошимиз сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланган бундай замонавий тиббиёт муассасалари аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Шифокорларнинг савобли меҳнатига юксак баҳо берар экан, ҳар бир тиббиёт ходими аввало беморнинг ўрнига ўзини қўйиши, унинг кўнглига йўл топа билиши керак, деди Президентимиз. Чунки беморни фақат дори-дармон эмас, шифокорнинг ширин сўзи, самимий муносабати ҳам даволайди.

Ислоҳ Каримовнинг Бухоро вилоятига сафарининг иккинчи куни



Баҳоуддин Накшбанд ёдгорлик мажмуаси зиёратидан бошланди.

Мамлакатимизда барча соҳалар сингари маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия жабҳаларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, маънавий меросини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хожа Баҳоуддин Накшбанд ҳазратлари томонидан жажон тафаккур ҳазинасига қўшилган улкан маънавий меросни атрофлича ўрганиш, бу бетақор бойликдан ёш авлод тарбиясида самарали фойдаланиш борасида кўп иш-

лар амалга оширилди ва бундай эзгу ишлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажмуани зиёрат қилар экан, бу муборақ зот мангу осойиш топанг ушбу макон барчани эзгуликка чорловчи маскан бўлиб қолаверишини таъкидлади.

— Бундай муқаддас жойларни зиёрат қилиб туриш ҳар бир инсон учун фойдали, — деди Президентимиз. — Чунки бунақа пайтда одам ўзида руҳан денгилли сезади. Кечирган умрини хаёдан ўтказди, тахлил қилади, бу дунёда инсон фақат яхшилик қолдириши лозимлигини ҳис қилади. Шундай му-

қаддас заминда яшаётганига шукроналар келтиради.

Ислоҳ Каримов Бухоро шаҳрида истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юқори баҳо берди. Аини пайтда қурилаётган ҳар бир иншоот ота-боболаримиздан мерос миллий меъморлик анъаналарига мос бўлишини, Бухоронинг қадимий обидаларига уйғун бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ушбу ҳудуд иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, боғ-роғларни янада кўпайтириш, кўча ва хиёбонлардаги дарахтлар ҳамда гулзорлар парваришига эътиборни кучайтириш

зарурлигини уқтирди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда фермерлар улуши тобора кўпайиб бораёпти. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкат ҳўжаликлари деярли қолмади. Бухоро туманида ҳам экин майдонлари тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилган. Аини пайтда бу ерда пахта ва галла етиштирувчи 650, боғдорчиликка ихтисослашган олти юздан зиёд фермер ҳўжалиги иш юритмоқда.

Тумандаги "Янги ҳаёт" қишлоқ фуқаролик йиғини ҳудуддаги фермер ҳўжаликлари фаолияти билан танишган Президент Ислоҳ Каримов бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Ўртбошимиз вилоятда қишлоқ мулкдорлари — фермерлар манфаатини ҳимоя қилиши, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи билан қизиқди.

— Фермер сифатида иш бошлаганимизга уч йилдан ошди, — дейди "Ғанипўлат" фермер ҳўжалиги раҳбари Суҳрон Ғаниев. — Ҳўжалигимизда ўн беш киши меҳнат қиладди. Фермерларнинг эркин фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратилаётгани ишимизда жуда кўл келмоқда. Ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун МТП билан шартнома тузиб қўйганимиз. Бу йил ҳам юқори ҳосил олишни кўзлаб турибмиз.


— Биз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ривожланган давлатларда синдовдан ўтиб, ўзини оқлаган, самарали йўлни — фермерлиқни танладик, — деди Президентимиз. — Қисқа фурсатда бу усул ўз самарасини бера бошлади. Фермерлик ҳаракатини йўлга қўйиб, тўғри қилганимизни ҳаёт исботламоқда.

Ўртбошимиз фермер ҳўжаликлари уюшмалари фаолиятини атрофлича ўрганиш, тахлил қилиш лозимлигини таъкидлади. Фермерлар уюшмага ўз ихтиёри билан аъзо бўлишлари, уюшма эса уларга вақти-вақти билан ҳисоб бериб туриши лозим. У фермерни назорат қилувчи бюрократик ташкилотга айланиб қолмаслиги керак, деди Ислоҳ Каримов.

Президентимиз тумандаги "Ҳожи" фермер ҳўжалиги далаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити, оиласи билан қизиқди. Суҳбат иштирокчилари хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ аёлларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар учун Ўртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

Воҳид ЛУҚМОН,
Эркин ЁДГОР,
Ўза маҳсул муҳбирлар,
Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



15-19 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Б. Ашрафзонов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йилдаги ва 2006 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида ахборот берди. Мазкур масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А. Аҳадов кўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Маърузачилар берилган саволларга батафсил жавоблар қайтардилар. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида ўтган ҳар томонлама, чуқур ва муфассал муҳокамадан кейин депутатлар Давлат бюджетининг 2005 йилдаги ва 2006 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилдилар.

Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Б. Мусаев Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2005 йилги ҳисоботини тақдим этди. Бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2005 йилги ҳисоботи тасдиқланди.

Парламент олдида турган янги

вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг самарандорлигини ошириш мақсадида депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2006 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари»га ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифалари ҳисобга олинган ҳолда 2005 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастури»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритдилар.

«Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси А. Турсунов маъруза билан сўзга чиқди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида киритилган айрим тақлифларни ҳисобга ол-

ган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Мўминов ахборот берди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳаси чуқур ва муфассал муҳокама қилинди. Хужжатнинг моддама-модда кўриб чиқилиши чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари қонун лойиҳасининг қоидалари юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Депутатлар киритган тақлифлар ҳамда билдирган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхтаев тақдим этди. Муҳокама чоғида тушган тақлиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов иккинчи ўқиш-

да киритилган «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Савол-жавоблардан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасига киришдилар. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ўз фикрларини баён қилдилар. Ипотека нарраси, ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека қоғози тўғрисидаги асосий қоидалар ва гаровга қўйилган мол-мулкни сугурта қилишга доир масалалар, шунингдек, муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси билан тартибга солинадиган соҳага тааллуқли бошқа бир қатор муҳим масалалар чуқур ва батафсил муҳокама этилди. Билдирилган мулоҳазалар ва киритилган тақлифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Иккинчи ўқишда киритилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳақида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг раиси Х. Дўстмухамедов ахборот берди. Муҳокама чоғида депутатлар томонидан бир қатор тақлифлар киритилди ва мулоҳазалар билдирилди, сиёсий партиялар фракцияларининг фикрлари баён этилди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси Қонунчилик палатасининг кейинги мажлисида давом эттирилади.

Воқеа арафасида

Эртага Италиянинг Турин шаҳрида шахмат бўйича 37-Бутунжаҳон Олимпиадаси бошланади. Шахмат оламининг ушбу нуфузли мусобақасида 150 дан ортиқ мамлакатдан «ақл гимнастикаси» усталари иштирок этиши кўтилган. Швейцарча усудда ўн уч турдан иборат Бутунжаҳон Олимпиадаси ғолиблари номи 4 июнь куни маълум бўлади.

Маниладаги муваффақият такрорланадими?

Олимпиаданинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида халқаро тоифадаги спорт усталари Алексей Барсов, Сайидали Йўлдошев, Антон Филиппов, Темур Гареев, Сергей Каюмов ва ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновлар юртимиз шарофтини ҳимоя қилишди. Аёллар терма жамоамиз тарихидан халқаро майдонларда тажриба тўплаган Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Шаҳноза Ҳамроқулова ва Ирода Ҳамроқулова каби спортчилар жой олган. Дарвоқе, Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида мамлакатимиз спортчилари саккизинчи бор иштирок этишмоқда. — 1992 йил Филиппиннинг Манила шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида эркаклар терма жамоамиз 131 та давлат вакиллари орасида фахрли иккинчи ўриндан жой олишган эди, —

дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шахмат шарафловчиси Акром Тошўзжаев. — Эндигина мустақилликка эришган юрт шахматчиларининг оламшумул ғалабаси катта шов-шуга сабаб бўлганди. Кейинги Олимпиадаларда юртдошларимиз бу муваффақият тасодиф эмаслигини исботлашди. Шахматчиларимиз доимо кучлилар сафида юришди. Айниқса, 1988 йил Арманистон пойтахти Ереванда бўлиб ўтган Олимпиадада Рустам Қосимжонов биринчи доскада ўйнаб, бронза медалини қўлга киритган эди. Туринда ҳам вакилларимиз биз кўтган натижаларга эришишга ишонамиз. Хозирда биринчи доскада ўйнайдиган Рустам Қосимжонов, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлган Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, қолаверса, барча шахматчиларимиздан умидимиз катта.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

МУЗЕЙЛАР ФЕСТИВАЛИ

ҚАРШИ (Ўза муҳбири А.МУҲАММАДИЕВ). Муллаўйини Тошқўламовдан номиндаги вилоят музика драма театрида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган Ўзбекистон музейлари фестивали бўлиб ўтди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда республика музейларнинг вакиллари қатнашди. Мустақиллик нафат мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ҳаётида, балки музейлар тарихида ҳам янги саҳифалар очмоқда. Истиқлол йилларида Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонлангани ҳамда бу йил ўқиниб келишимиз Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўли муносабати билан музейларнинг фондлари археологик, этнографик, халқ амалий санъати оид ва бошқа турдаги ноб экспонатлар билан янада бойиди. Қашқадарё ви-

лоят ўлкашунослик музейиндан жой олган 24 мингдан ортиқ Чубин мадрасаси мажмуида ташкил этилган музейдаги 20 мингга яқин осори атиқалар шулар жумласидандир. Фестивалда вилоятлардаги тўқсонга яқин музейлардан олиб келинган тарихий ва археологик экспонатлар, нумизматика, этнография, халқ амалий санъати асарлари, қўлчилик буюмлари, бошқа юзлаб ноб топилмалар намойиш этилди. Тадбир доирасида ўн иккита номинация бўйича кўриқ-танов ҳам ўтказилди. Қорақалпоғистон Давлат ўлкашунослик музейи фестивалдаги энг фаол иштироки учун биринчи ўринга лойиқ топилди. Кейинги ўринлар Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари музейларига nasib этди. Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайнӣев иштирок этди.

Экология ва биз

ОНА-ТАБИАТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

XX аср давомида Ер юзи аҳолисининг муттасил кўпайиши натижасида шаҳарларнинг ҳаётидаги роли кескин ортди. Улкан шаҳарлар, мегаполислар вужудга келди. Бугун дунё аҳолисининг тахминан 41,5 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Баъзи давлатларда бу кўрсаткич 70-80 фоизга етди (Ўзбекистонда 41 фоиз). Бироқ, афсуски, шаҳарларнинг ривожланиши жараёни улардаги табиий муҳит ва экологиянинг бузилиши билан бирга давом этмоқда.

Шаҳар ва уни ўраб турган муҳитда одамлар тўпланиши, тинимсиз равишда маҳсулот ишлаб чиқарилиши атропо-муҳитга ўз таъсирини кўрсатади. Бу дунёдаги барча йirik шаҳарларда кузатиладиган табиий жараёнлар. Маълумотларга қараганда, бир миллион нафар аҳолига эга бўлган шаҳарда кунига ўртача 470 млн. тонна сув, 50 млн. тонна кислород, 10 млн. тонна минерал-курйилиш ашёлари, 4 млн. тонна кўмир, 4 млн. тонна нефть хомашёси, 2 млн. тонна табиий газ, 1,9 млн. тонна суюқ ёқилғи, 1,2 млн. тонна қора металлургия хомашёси каби турли моддалар истеъмол қилинади. «Миллионер-шаҳар»да 10,8 млн. тонна ифлос сув (буғ, аэрозоль), 1,2 млн. тонна углекислота газ, 0,2 млн. тонна чанг, 0,1 млн. тонна углеводород сингари чиқиндилар чиқиди. Шаҳарлар ва атропо-муҳит масаласи, жумладан, ишлаб чиқариш кенг ривожланган Ўзбекистон шаҳарларида ҳам алоҳида эътибор талаб қилади.

Тавқидлаш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда экологик аҳолини яхшилаш, атропо-муҳитни муҳофиза қилиш борасида улкан ишловлар амалга оширилди. Турли махсус давлат органлари, жамғармалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар тузилди. Бир неча қонунлар қабул қилинди, республикамиз муҳим халқаро шартномалар, конвенцияларга қўшилди. Юртимиз таълим тизимида экологик ва мукамал экологик таълим жараёни йўлга қўйилди.

Республикадаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тобора юксалмоқда. Кўплаб қўшма ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил топди. Албатта, ифодали қилиб айтганда, иқтисодиётимиз дағдиратининг бундай тўла қувват билан ишлаши яхши. Аммо танганинг орқа тарафи ҳам бор: ишлаб чиқариш ва саноат, биз хоҳлаймизи, йўқми, атропо-муҳит ва экологияга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Собик Иттифок давридаги «буюк социалистик тараккият»дан ўлкамиз экологияси учун Орол фожияси, тоза ичимлик суви манбаларининг қайиши, ёрнинг

шўрланиб кетиши, чўллашув жараёнларининг кучайиши, умумий экотизимнинг бузилиши сингари йirik муаммолар мерос бўлиб қолди. Шу боис, Президентимиз дастлабки йиллардан охирига қадар жиддий эътибор қаратди. Саноат, хусусий бизнес, хизмат кўрсатиш соҳаларининг кенгайтиши эса, ўз навбатида, республикамиз шаҳарларининг йirikлашувига туртки бўлиб, бошқа бир масала — шаҳарлар экологиясини муҳофиза қилиш муаммосини кун тартибига чиқарди. Сўнгги йилларда республикада шаҳарлар аҳолисининг жадал кўпайиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти (шаҳарларда истиқомат қилувчилар сони 873 мингдан зиёд), Самарқанд вилояти (866,9 минг), Фарғона вилояти (810,9 минг), Андижон вилояти (738,5 минг)да бу ҳолат яқола кўзга ташланиб турибди. Шаҳарлар атропо-муҳитни муҳофиза қилишдаги асосий муаммо маийший чиқиндилар масаласидир.

Бугун республикадаги 159 та полигонларда тўпланган қаттиқ маийший чиқиндиларнинг умумий ҳажми 293,8 миллион куб метрни ташкил этади. Аммо уларни тозаflash, иложи бўлса, қайта ишлаш учун зарур корхоналар етарли эмас. Натижанда чиқиндилар орасида ҳар йили 160 минг тонна қоғоз ва картон, 55 минг тонна тўқимачилик маҳсулотлари, 45 минг тонна нағача пластмасса маҳсулотлари қайта ишланмай қолапти. Албатта, чиқиндиларни қайта ишлаш масаласи бугун дунё микёсида глобал муаммага айланган. Аммо, шунинг қайди эътиборини қилиш керакки, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини барпо этиш анча-мунча маблағ талаб этади.

Биз мамлакатнинг асосий сийёсий, иқтисодий, маданий ва транспорт маркази саналган пойтахтимиздаги экологияни яхшилаш аҳоли билан қўзғидик ва сўнгги йилларда бу ерда вазият анча яхшиланиб бораётганини кўриш мумкин. Тошкент шаҳар табиатини муҳофиза қилиш кўмитасидан олган маълумотларимизга қўра, ўтган йил давомида шаҳарда фаолият кўрсатётган корхоналар томонидан 26324 тоннадан зиёд зарар-

ли чиқиндилар ҳосил қилинган ва уларнинг 5630 (21 фоиз) тоннаси қайта ишланган.

Аммо биргина чиқиндилар масаласини ҳал этиш билан умумий экотизимни яхшилаб бўлмайди. Шаҳар атропо-муҳити муҳофизасида технологик, тузилмавий, архитектура-режалаштириш чоралари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг янада такомиллашган технологияларга ўтказиш, зарар келтирувчи объектларни қайта қуриш, шаҳарнинг аҳоли зич жойларида турли ҳимоя зоналарини ташкил этиш каби лар назарда тутилмоқда.

Сўнгги йилларда бевосита Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида айнан шу жиҳатларга эътибор қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди. Пойтахт марказида режасиз жойлаштирилган «Технолог» заводининг қурилиши, Ўзбекистон миллий боғи, Талабалар шаҳарчаси, Марказий университет, «Чорсу ва Эски шаҳар ҳудудида барпо этилган сўлим хийбонлар фикримиз далилидир.

Диктатимизни жалб этган яна бир жиҳат Тошкент шаҳридаги экология аҳолига тўла назорат олинганлигидир. Ҳар бир корхона, завод, ҳатто олдиди ҳафтадаги ускуналар, уларнинг атропо-муҳитга таъсири ҳисобда туради. Шаҳар табиатини муҳофиза қилиш кўмитаси мутахассисларининг айтишича, пойтахт ва унинг атрофида тоза ичимлик сувини таъминлаш, сув ҳавзаларига салбий таъсир кўрсатётган объектларни бартараф этишга ҳам жиддий эътибор қаратила бошланди. Бунга 2003 йил 29 октябрда Вазирилар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида Чирчиқ дарёсининг суви муҳофиза қилиш зонаси ва қирғоқ бўйи полдасини белгилаш тўғрисида»ги қарори ҳам маълум маънода туртки бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳарларимиз экологиясини таъминлаш борасида қилинётган ишлар кўп. Амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам оз эмас. Бу вазифалар бизнинг бекат олдидидаги ариққа муқайим қозонини ташламасликка кўничишимиздан тортиб завод-фабрикаларимизга юқори техникаларини олиб киришга бўлган ишларни ўз ичига олади. Энг муҳими, юртдошларимиз ушбу масъулиятни чуқур англаб етмоғи керак. Зотан, бу она-табиат ва келгуси авлодлар олдидидаги масъулиятдир.

Ботиржон ҒОҒУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Болалар спорти

Наманган вилояти ёшларининг спорт соҳасида эришяётган ютуқлари бугун барчага яхши маълум. Ҳўш, ушбу муваффақиятлар замирида нима ётибди? Вилоятга қилган ижодий сафаримиз чоғида ана шу саволга жавоб топгандек бўлдик.

Албатта, вадийга Қамчиқ довоини орқали ўтилади. Пурвиқор тоғлар бағридан кетиб борар экансиз, шубҳасиз, юртимизнинг гўзал ва мафтункор табиатини кўриб, ўзга бир оламга кириб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Текис ва раво йўлларда машина ҳам гўё қуш мисоли енгил ҳаракатланиб боради.

Наманган тажрибаси:

ЮТУҚЛАР СИРИ НИМАДА?



Жамғарма саховати

— Шу йўлдан қатнаб, одамларнинг ҳожатини чиқариб юрганамиз ҳам ўн йилдан ошибди, — дейди хайдовчи Баҳром ака Мансуров. — Гапнинг рости, бундан беш-олти йил олдинги йўл ҳозиргининг ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Президентимизга раҳмат. Юртбошимизнинг кўрсатмаси билан довоини йўли таби бўлмас даражада ўзгарди. Хайдовчиларнинг ҳам, уларга ҳамроҳ йўловчиларнинг ҳам хавфсизлиги таъминланди. Масофаям анча қисқарди.

Қамчиқ довоини ярим-ламасдан Наманган вилояти ҳудуди бошланади. Уч-тўрт соат деганда ушбу вилоят марказига кириб бордик. У ерда илк суҳбатдошимиз Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Ибодулла Жабборов бўлди. У дастлаб спорт иншоотлари курилиши хусусида тўхталди.

— Жамғарманинг асосий вазифаларидан бири, болаларда спортга бўлган меҳрни уйғотиш, уларни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялашдан иборат, — дейди И.Жабборов. — Вилоятда 2005 йил курилиш манзили дастурига мувофиқ олти туманда ТИП-V лойиҳаси асосида янги спорт мажмуалари курилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Қосонсой туманидаги Гулистон маҳалласи, Чуст туманидаги Варзик, Наманган туманидаги Бешкапа, Минбулоқ туманидаги Гуртепа, Чортоқ ту-

манидаги Пешқўрғон ҳамда Уйчидаги Машад қишлоғида янги ташкил этилган болалар спорт мажмуалари шулар жумласига кириди. Ана шу иншоотлар бугун минглаб ёшларнинг севимли масканига айланган. Бундан ташқари, Тўрақўрғондаги гимнастика зали, «Учқўрғондонмахсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг спорт мажмуаси, Чуст тумани Гова ҳамда Уйчи тумани Бирлашган қишлоқларидаги футбол майдонлари реконструкция қилинди. Яна бешта тумандаги мактаблар янги спорт залларига эга бўлди.


2003-2005 йилларда янги курилиб, фойдаланишга топширилган жами 12 та спорт иншооти жамғарма томонидан 222,1 миллион сўмлик спорт ҳизматлари ва анжомлари билан таъминланди.

Ибодулла ака ҳамроҳлигида вилоятдаги спорт мажмуаларини айландик. Тўрақўрғон туманидамиз. Бу ердаги бадий гимнастика мактаби фаолият кўрсата бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ўтган қисқа давр мобайнида мазкур маскандан кўплаб ёш иқтидорли спортчилар етишиб чиқди.

— Аввалига бироз иккиландик, — дейди гимнастика мактаби директори Гулчехра опа Собирова. — Очиги, ота-оналар ўз фарзандларини бу спорт тури билан шугулланишлари учун розилик беришармикан, деган ҳадик бор эди-да кўнглимизда. Йўқ, янглишган эканмиз. Бошида атиги беш-ўн нафар қизалоқларни тўғаракка жалб этилган бўлсак, бугунга келиб иштирокчилар сони 200 нафарга яқинлашиб қолди. Қувонарлиси, қизларимиз орасида қисқа вақт ичида вилоят микёсида совринли ўринларга сазовор бўлганлари бор. Масалан, шогирдларимдан бири — Севара Ҳошимовадан умидим катта. У ўзининг тиришқоқлиги билан дугоналарига ўрناк бўлаётди. Насиб этса, яқин йилларда Тўрақўрғон бадий гимнастика мактаби қизлари жаҳон спорт майдонларида ютуқлари билан ҳам барчани лол қолдиришадди.

Медаллар салмоғи

Республика ва халқаро микёсда ўтказиладиган мусобақаларда Наманган вилояти вакиллари доимо пешқадамлар сафида юришади. Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Сергей Сицов, стол тенниси бўйича Швецияда ўтган жаҳон биринчилиги қолиби Севара Қодирова, бокс бўйича Афина Олимпиадаси иштирокчиси Тўлашбой Дониёровлар шу заминда улғайиб, вояга етишган. Айниқса, кейинги уч йил ичида вилоят ёшлари орасидан кўплаб чемпионлар етишиб чиқди. Наманган туманидаги 20-спорт мактаби ўқувчиси Достон Турғунов АКШда қаратэ бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида қолиб қолган кўлга қиритди. Шу туманининг яна бир вакили — Бахтиёр Усмонов Эса кикбоксинг бўйича Москвада



дан ташқари, енгил атлетикачи Мурод Ҳожибоев, Валентина Бисерова, катта теннисдан Арсен Асанов, белбоғли курашчи Шерзод Қодиров кўлга қиритаётган ютуқлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Вилоятда етишиб чиққан чемпионлар номини яна узок давом эттириш мумкин. Энг муҳими, уларнинг ортдан минглаб ёшлар эргашмоқдалар, жисмоний тарбия ва спортга ошно туртинмоқдалар.

Қишлоқларда ҳам шаҳардагидек

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бунёд этилаётган спорт мажмуаларининг аксарияти қишлоқ жойларига тўғри келади. Ҳўш, бугун улардан қандай фойда-



уоштирилган жаҳон кубогига шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Чуст туманидаги 8-спорт мактаби тарбияланувчиси Илҳом Раҳимов бокс бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги қолиби. Бун-

ланилмоқда? Вилоятда 2004 йил Норин туманида фойдаланишга топширилган «Норинкала» ҳамда Янгиқўрғон туманидаги «Искавот» спорт мажмуалари ТИП-I лойиҳаси асосида курил-

ган бўлиб, туманларнинг чекка жойларида жойлашган. Ҳозирги кунга келиб маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли қарорларига асосан туман халқ таълими бўлимлари тасарруфига ўтказилган. 2005 йилда барпо этилган спорт иншоотлари ҳам бевосита 2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш умумий лий дастурига мувофиқ жойлардаги мактаблар ҳудудида курилган. Спорт мажмуаларининг барчаси жамғарма томонидан зарур анжом ва жиҳозлар билан таъминланган.

Гувоҳи бўлганимиздек, спорт иншоотлари курилган ва куриляпти. Гап шундаки, ёшларга жисмоний тарбиядан сабоқ берувчи мутахассислар фаолияти ҳам барчани қизиқтириши табиий. Бу масалага вилоятда қандай эътибор берилаяпти? Рақамларга мурожаат қиламиз: бугунги кунда вилоятда жисмоний тарбия фани ўқитувчилари сони 1839 нафарни ташкил этади. Уларнинг 40 фоизи олий маълумотли. Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг 13,6 фоизи аёллардир. Таъкидлаш жоизки, фойдаланишга топширилаётган спорт иншоотлари ҳамда спорт залларининг бевосита мактаблар ҳудудида жойлаштириш нафақат ўқувчи-ёшларнинг соҳага қизиқиши ортишига, балки дарсларнинг талаб даражасида ташкил этилишига ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Вилоятдан қайтар эканмиз, кўнглимиздан айрим фикрлар ўтди: республикамизнинг бошқа жойларида бўлгани каби, бугун Наманганда ҳам спорт соҳасида айтишга арзийлик ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Демак, келгусида ҳам Наманган вилояти ёшлари орасидан юртимиз доғруғини жаҳон спорт майдонларида муносиб ҳимоя қиладиган ёшлар етишиб чиқиши шубҳасиз. Бунинг учун шароит ҳам, имкониёт ҳам етарли.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

ПРОДАЕТСЯ

действующий

ЖИВОТНОВОДЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС

в Джизакской области (Зааминский район, поселок Гулшан), состоящий из трех крупных отделебно действующих комплексов:

- 1. Свинокомплекс**
Территориальная площадь 96,000 м²
Площадь строений 21,464 м²
Кол-во строений 20
Мощность до 24 000 голов
- 2. Племенная ферма**
Территориальная площадь 29,836 м²
Площадь строений 20,480 м²
Кол-во строений 10
Мощность до 3 000 голов
- 3. Животноводческая ферма**
Территориальная площадь 95,779 м²
Площадь строений 7,524 м²
Кол-во строений 19
до 600 голов КРС до 6 000 МРС
МТЗ — 3 единицы
Т 28 — 1 единица
КА 700 — 1 единица

Техническая оснащённость
Прилагаемая земельная площадь 615 га
Имеющийся скот 110 голов крупного рогатого скота, 60 голов мелкого рогатого скота

Всего
Общая площадь земли 640 га
Общая площадь строений 49 478 м²
Общее кол-во строений 49
Инфраструктура
Электричество, водоснабжение, газоснабжение, канализация, горячая вода, телефон, автомобильный (железнодорожный) подъезд.

Контактный телефон 188-33-49.

Также рассматриваются предложения на частичную реализацию.

Муваффақиятли парвоз

Дунёда ўзидан энг кўп йўловчини сиғдира оладиган Airbus самолётни бор Берлиндан учиб, Лондондаги Хитроу аэропортига муваффақиятли кўнди.

Мутахассисларнинг билдиришича, 850 нафар йўловчини ташувчи мажмурага эга мажмура самолёт учун Европадаги барча аэропортларни қайтадан реконструкция қилиш лозим. Хитроу аэропорти вакиллари сўзларига қараганда, қўниш майдончасини кенгайтириш, икки қаватли трап куриш учун камида 850 миллион доллар талаб этилади.

Ҳозирда тахмин қилинишича, янги аэропорт жорий йил декабрь ойидан йўловчи ташишни бошлайди.

WCG 2006 Uzbekistan Preliminary

Компьютер о'yinlari bo'yicha 2006 yil - WCG 2006 Uzbekistan Preliminary uchun saralash turniri O'zbekiston chempionatining o'tkazilish TARTIBI

- 15 maydan 27 may kunlariga qadar chempionat o'yinlari o'tkaziladigan klublar ro'yxatiga olinadi.
- 27-28 may kunlari - Buxoroda saralash turnirlari
- 3-4 iyun kunlari - Samarqandda saralash turnirlari
- 10-11 iyun kunlari - Qashqadashda saralash turnirlari
- 17-18 iyun kunlari - Namangonda saralash turnirlari
- 22-28 iyun kunlari - Toshkentda saralash turnirlari
- 30 iyun kuni - WCG 2006 Uzbekistan Preliminary Chempionatining milliy finali, 1 iyul kuni - bqdirlash marosimi
- 2006 yil 18-22 oktabr kunlarida Jahon chempionati finali - Grand Final WCG 2006 World Cyber Games Monza (Italiya) shahrida o'tkaziladi.

WCG 2005 Uzbekistan Preliminary rasmiy o'yinlari:

WarCraft® III: Frozen Throne 1993 yil 10 oktabrdan boshlab o'yinchi. StarCraft® Brood War™ 1993 yil 18 oktabrdan boshlab o'yinchi. Half-Life™ Counter-Strike 1.6 1999 yil 10 oktabrdan boshlab o'yinchi. Need for Speed 2: Underground yosh cheklanmagan.

Chempionat klublari

27-28 may kunlari - Buxoro Game Zone Klubi
Manzil: 6-mikrorayon, Farof 1 ko'chas, 30-uy yonida
Tel: (8306) 222-1472

3-4 iyun - kunlari - Samarqand NEO Klubi
Manzil: Mirzo Ulug'bek ko'chas, 34
Tel: (3662) 33-42-40

10-11 iyun kunlari - Qashqadash "Shuzrat aka" klubi
Manzil: 4 mikrorayon, 10-uy, 2- qavat, "Sarbon" qiziqarli o'yinlar markazi
Tel: (375) 275-14-71

17-18 iyun - Namangan O' klubi
Manzil: Navoiy ko'chas, 3-uy, 100'liq "Sardoba" bazori.
Tel: (368) 2320751

22-28 iyun kunlari - Toshkent Magic Touch klubi
Manzil: Kosmonavtlar shoh ko'chas, 29-a uy. Tel: 175-12-36

Digital klubi
Manzil: Amir Temur ko'chas, 2-daha, 7-uy. Tel: 107-15-58

Elite klubi
Manzil: StarCraft®: Brood War™ Manzil: Amir Temur ko'chas, 1 (Amir Temur muzeyida)
Tel: 132-02-07

Prime Time
Need for Speed: Most Wanted
Manzil: Amir Temur ko'chas, 27/11 (moli'j) sobiq "Bossiya" mehmononasi)
Tel: 152-10-89

TransNet
Half-Life™, Counter-Strike 1.6
Manzil: Amir Temur ko'chas, 2-a uy, "E" bloki. Tel: 134-09-25

Qo'shimcha axborotlarni: www.wcg.uz saytdan olish mumkin.

Milliy hamda чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятиниз учун!

«ПАКТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАЛИТИДИРИ!

Тугатилаётган «ТЕТАМИНОТ» ОАЖ куйидаги товар-моддий бойликларни сотади:

- халқ истеъмолчи моллари;
- электротехника буюмлари;
- сантехника буюмлари;
- тоғ-шахта ускуналари ва бутловчи қисмлар;
- қишлоқ хўжалиги техникаси бутловчи қисмлари.

Мулоқот учун телефонлар: 8-266-2-31-21, 382-89-14, 144-38-28, 23-22-70.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk.suzi@rambler.ru

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази жамоаси Т. Н. Қурни Ниязи номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти раҳбари Р. Ҳ. Жураева воқидани мухтарамаси ЗЕБОХОН яннинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия иҳзор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ректорати Чоғлу жамоаларига раҳбарлик кафедраси етакчи ўқитувчиси Дилором Мухаммадзода онаси Хайришо ва ИҚҲОМОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия иҳзор этади.



Салкам эллик йилдан буён "болалар адабиёти" деб аталмиш поёни йўқ дунёда яшайман. Гох шеърятда, гох насрда пайдо бўладиган гўзал асарларни "ютоқиб" ўқийман. Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Ҳаким Назир асарларини ўқиб, «Худога шукр, шундай ижодкорларимиз бор-а», деб фахрланаман. Марк Твен, ака-ука Гримлар, Шарл Перро, Жанни Родари сингари жаҳоншумул ёзувчиларни ўқиганда эса, уларнинг ўзига хошлиги, адабиётга ҳеч ким айтолмаган гапни айтиб кириб келганлигини ўйлаб: "Э, Худо, бизга ҳам ана шундай ёзувчилардан берсанг эди", деб ичимдан орзу қилган пайтларим ҳам кўп бўлган.

ПОЛОСОНИЛИК АНВАР ОБИДЖОН

Ана шундай ижодкорни Аллоҳ бизга полосолилик Анвар Обиджон кифёсида берганга ўқшайди. Ортиқча баҳо бериб ўқибди, деб ҳамкасблар мендан ранжишлари мумкин. Чунки биз ҳамisha ўзимизни биринчи ҳисоблаймиз. Лекин, нима бўлганда ҳам, Полосондаги юморни, ёқимли қаҳқаҳани, назокатли қочиримларни бутун дунёга ёйиш саодати Анвар Обиджонга насиб этган. Бу камтар, содда, самимий йигитта Яратган ўткир кўз, яхши ишлайдиган иккита қулоқ ва катта бурун ҳам берган экан. Яратган шунинг учун ҳам Полосон қишлоғини танлаган эканки, бу ерда юморнинг табиий ҳолати соддадиллик билан самимийлик билан қўшилиб, чарақлаб тураркан. Ана шу чарақлаб турган ҳолатни Анвар Обиджон шундайлиги-ча болалар адабиётига кўчириб, дунё болаларига тақдим эта бошлаганига кўп йиллар бўлиб қолди.

Полосолиликлар «Галнинг қисқаси, арқоннинг узунни яхши», дейишди, мен ҳам гапни қисқа қилиб қўя қолай. Лекин бир гапни айтгим келаяпти-да! Қачон Полосонга борсам, улар: "Эркин Воҳидов ҳам Анвар Обиджонни Тошкентга елкасига миндириб олиб кетган" деган гапни айтишди. Эҳтимол, бу гап ростдир, эҳтимол, лодфидир, деб ўйлайман. Ахир, ўзингиз ўйланг, сўлоҳмондай йигитни тўрт юз чакирим ерга кўтариб боришининг ўзи бўладими? Нихоят, ҳақиқатни аниқлашга эришгандак бўлдим. Эркин Воҳидов Анваржон ижодидаги миллийлик, юморга фавқулодда бойлик, ўзига хос оригиналликни кўриб, уни Тошкентга, катта адабиёт мактабига боришни бир эмас, бир неча бор таклиф қилган. Анваржон эса: "Мен кетсам, Олтиариқнинг турпи ўтоқсиз, бодиринг сувсиз қолади", деб кўнмаган.

Эркин Воҳидов яна бир борганда жahl билан: "Агар бормасангиз, елкамда кўтариб олиб кетаман", деган. Бу гапни эшитишлари билан кейинчалик полосолиликлар ҳар хил лолларни тўқий бошлашган. Хатто биттаси: "Ҳамқишлоғимизни елкасида кўтариб кетишганини Конибодом атрофида ўз кўзим билан кўрдим", деб қасам ҳам ичган.

Еттишинчи йилларнинг охирида Эркин Воҳидов Анвар Обиджонни Тошкентга олиб кетгани, собиқ "Еш гвардия" нашриётига ишга жойлагани, кетма-кет шеърли тўпламларини нашр этишга ёрдамлашгани ва энг муҳими, уч хонали уй олиб бергани рост. Буни ҳаммасиз билардик. Лекин елкасида кўтариб келганлиги... Яна, тагин ким билади, дейсиз? Кўйида Анвар Обиджоннинг Эркин Воҳидов эълорига тушган ҳазил шеърларидан бирини болажонларимизга илдирик.



Авлиёлар ўғитидан

— Бебахтлик нишонаси улдири, банд гуноҳ қилур, аммо Худодан яхшилик етса эди, деб умид ҳам қилур.

— Адоват кишига уч нарсадан етар: аввал кишидан мол-дунё тама қилмоқ, иккинчиси — халойикдан иззат-икром талаб қилмоқ, учинчиси — халқ ўртасида маъқул бўлмоқни талаб қилмоқ. **Абу Усмон ЖАРИЙИ**

— Олтин-қумуш чаёнди. Унинг афсусини ўрганмагунча қул узатма-гилки, сени ҳалок қилур. Унинг афсуни (дуоиси ва йўли) ҳалолдан топиб Ҳақ — ростга харж қилмоқдир. **Шайх Яҳё МАОЗ**

БОЛАЖОН

Сухбатдошининг хосияти

Қадим замонда бир савдогар Мағрибу Машриққа қатнаб савдо қиларкан. Кетаётганда янги уйланган хурлиқ хотинини кўргонда ёлғиз қолдириб кетаркан, қайтиб келса, хотини ўлиб қолган бўларкан. Яна уйланиб, яна ёлғиз қолдириб кетаркан. Келса, яна ўлиб қолган бўларкан. Кўргон ҳувиллаб ётаркан. Охири маслаҳат сўраб, табибнинг олдига борибди. Табиб бир ҳовуқ ундан одамга ўхшаган ҳайкалча ясаб, шунки кетаётганин-гизда хотинингизга бериб кетинг, дебди. Савдогар шундай қилибди ва наваб-даги сафардан қайтиб келса, кўргон атрофи сулури-сидирилган, сувлар се-пилган. Ховлига анвойи гуллар экилган, хотини эса қошда ўсма, кўзда сурма билан гўлдек чарақлаб турган эмиш. Савдогар бу бахтиёрликнинг сабабини табибдан сўраган экан, табиб унингиздаги ҳайкал одамчани олиб келинг, дебди. Келтирса, табиб ўткир тиг билан уни ёрган захоти шов этиб бир ҳовуқ зардоб тўқилиб кетибди. "Хар гал савдога кетаётганин-гизда, — дебди табиб, — кўргонда хотинингиз ёлғиз қоларди, дарди-ҳасратини, қувончларини айтадиган одами йўқ эди. Бу андуҳлар эса бора-бора захарга айланиб, хотинингизни ўлди-рарди. Бу гал ҳайкалчага жуфт-ингиз дардларини айтган, шодликларини билдир-ган, унинг ичидан тўқилган зардоб эса хотинингизнинг ҳас-ратлари. Катта-дир-кичикдир, ҳар бир кишининг дилдан сўхбатлашадиган кишиси, дардини енгиллатадиган сўхбатдоши бўлиши керак".

Ривоятлар

Тўғри ўсишнинг хосияти

Бурунги замонда бир кампирнинг чоли ва якка-юягона ўғли оламдан ўтиб, ёлғиз қолган, эрмак бўлар, ову-нарман, деб ҳовлисига бир туپ терак экибди. Теракни ўли ўрнида кўриб, мөҳр қўйиб, муҳаббат билан парвариш қиларкан, остига сув қўяркан. Хар куни эрталаб етти марта силаб: "Тераккинам, ёлғизим, тўғри ўсинг", дер экан. Терак тўғри ўсибди, тана қўйиб етилибди. Шундай бандда буй чўзибдики, сил-лиқ ўсган буйдор теракнинг овозаси подшога ҳам бориб етибди. Бориб сав-долашинлар, теракнинг эгасини рози қилиб олинлар, деб амр қилибди шох.

Аёнлар кампирга бир халта тилла бериб, теракни кесиб оли-шибди. Кетаётди, кишлоқни бир йиллик ўлпандан озод қилиш ҳақидаги шаҳаншоҳнинг ҳукмини ҳам айтишибди.

Шундай қилиб, тўғри ўсган терак катта бир кишлоққа шун-ча бойлик келтирган экан.

Муסיқа тинглашнинг хосияти

Қадим замонда бир одил подшоҳ ўтган экан. Унинг адолати туфайли бутун мамлакат обод, маъмури-чилик бўлган экан. Не бахтки, Аллоҳ унга фарзанд ато этмаган экан. Қариб, умри поёнига яқинлашиб қолган сари "Урнимга кимни қолдирсам экан?" деб ўйлар, ўйлаган сари тавишви ортар экан. У ёки бу ёшдаги йигитларни синодан ҳам ўтказиб кўрибди, барибир кўнгли тўлма-ди. Оқил вазири эса шундай дебди: "Ша-ҳаншоҳ, йигитларни тўлаб муסיқабозлик ўтказайлик, ким кўп тингласа, ким тушу-ни тингласа, ўшани валиаҳдликка танлай-лик. Чунки муסיқани кўп тинглаган инсон-нинг қалби пок, руҳи тоза, мөҳр-шафқатли бўлади", дебди. Шаҳаншоҳ бу маслаҳатга кўнибди. Биринчи куни йигитларнинг ярми: "Э, бундан кўра чавандозлик яхши", дея чиқиб кетишибди. Эртасига яна ярми: "Бизга найзабозлик маъқул", дея даврани тарк этишибди. Охири қадди-қомати кел-лишган, чиройли бир йигит қолиб: "Яна, яна чалинлар!" дермиш. "Сен нега муסיқа тинглашдан чарчамасан?" дейишса, "Мен муסיқа тинглаганимда Ҳақни эшитаман, ҳақиқатни эшитаман. Тўқинлар мавжиди иймон-этиқодимни қураман", дебди.

Йигитнинг жа-во-би шаҳаншоҳга маъқул бўлибди, уни баррига босиб, «Ва-лиахд шу бўлади», дея фар-мони олий берибди.

Саримсоқтўғинини оқитишда ёддан хатти

Баримиз бир уруғдан, Ҳаммамиз ҳам пиёзим.

Қондошанқо шолғому — Қизилчага қиёсимиз.

Ўтган ой Кўк пиёзга

Ёзган эдим салом хат, Ҳануз жавоб қайтармай — Юрибди у касофат.

Кўриб қолсанг бозорда, Тергаб қўйгин ачитиб. Йўлқайдиги ўзимга Сўхбатим бир саситиб.



Боланинг тили ширин

Муаллим дарсда кийим-кечаклар, уларнинг қандай хомашедан тайёрланганлиги ҳақида ҳикоя қилиб бўлгач, ўқувчилардан сўрай бошлабди:

— Салимжон, айт-чи, сенинг палтонг қайси хил хомашедан бўлган?

— Жундан.

— Тўғри! Сенинг қўйла-

гинг-чи, Пўлатбек?

— Пахтадан.

— Жуда тўғри! Хўш, сенинг шиминг нимадан, Толибжон?

— Холанинг эски юбка-сидан.

... ..

Боғчадан келган Шаҳбоз ойисига муҳим бир нарсани айтмоқчи бўлиб, ошхо-

нага югурди.

— Ойижон, бугун Наврўз ҳақида янги шеър ўргандим. Сизга ҳам айтиб берайми?

— Деди ҳовлиқиб.

— Ҳа, қани айт-чи, ўғлим. Бошланишини ҳеч эслол-маган Шаҳбоз ниҳоят деди:

— Сиз бошлаб беринг, ойижон. Мен давом эттира-ман.

Музқаймоқ ёққан кун



Қадим-қадим замонда-ми, ўзимиз яшаб турган ёрлик кўнарлар дами, кўз кўрмаган, ёлғиз эшит-маган қизик-қизик воқеалар бўлиб тураркан.

Ана шундай воқеалардан бири яқинда Янги Тўроб ки-ло-водда бўлибди. Ҳафизахон де-ган киз ёнига уқасини олиб пиёз ўтаётган экан. Фермер оналари сингирини соғиш, ҳам тушликка овқат тайёрлаш учун уйлари-га кетган экан. Ҳаво шунчаки ис-сиқ эканки, Ҳафизахон ўзини худди қиздирилган тандирнинг ичида ўтиргандек ҳис қилаётган экан. Пешонасидан, юзларидан тер шариллаб қўйлаётган экан. Пиёз ўтаётган деҳқонлар ўзла-рини салқинга уришибди. Ҳа-физахон жуда раҳимдил киз экан, ёнигасида пиёз ўтаётган ука-сига ачиниби, уния салқинга чиқариб юборибди.

Ҳафизахон «Ойижоним кел-

гунча, шу қаторни албатта эгат бошча чикараман», деб ўйлаб яна ҳам қаттиқроқ ишларкан. Ҳавлидан нуқул хиббонда ўти-риб музқаймоқ ёйдиган кунлари нари кетмасмиш, ея бошлармиш, еган сари бадани музлаб, бутун борлиги роҳат олармиш, «Вой, нариги пайкалда пиёз ўтаётган ўртоқларимга ҳам берсам бўлар-кан», деб ўйлармиш. Бир маҳал осмонда оппоқ туман пайдо бўлгандек бўлибди. Кенгайиб, қуюқлашиб Ҳафизахон томонга бостириб кела бошлабди. Туман ҳам муздеккина эмиш, жон ро-ҳат қилармиш. Туман орасидан новча бир кампир ҳола чиқиб келаётганимиш. Кийим-бошлари ҳам, сочлари ҳам оппоқ. Худди нурдан яралгандек.

— Ҳорма, қизим! — дебди кам-пир.

Ҳафизахон жавоб қайтара ол-мабди, довдираб қолибди.

— Кўрмаса, қизим, — дебди кампир ҳола.

Ҳафизахон кўрмас қизлардан экан, аста-секин ўзини ўнглаб ола бошлабди. Қизик, кампир ҳола бир қараса, ўзининг ола-ман ўтган бувижонисига ўхшаб кетармиш, яна бир қараса, қўшилари Ниёз амамага жуда-жуда ўхшаб кетармиш. Кампир ҳола яқин келиб Ҳафизахоннинг

қизиб турган бошидан, тер қу-йилиб келаётган пешонасидан юмошқ-юмошқ силай бошлаб-ди.

— Ширин қизим, шакар қизим, музқаймоқ егинг келая-ратми? — деб сўрабди.

Е тавба, овози ҳам оламдан ўтган бувижонисининг овозига жуда-жуда ўхшаб кетармиш.

— Ҳа, егим келаяпти, — деб жавоб қайтарибди Ҳафизахон.

— Рост гапирганим учун сен-дан хурсанд бўлдим, — дебди нуроний ҳола.

— Чиндан ҳам егим келая-тувди-да, — дебди Ҳафизахон.

— Бир челақ музқаймоқ бер-сам, ҳаммасини еб оларимиди?

— Яна сўрабди нуроний ҳола.

— Ярмини уқаларимга, ярми-ни хув нариги пайкалда пиёз ўтаётган ўртоқларимга бера-рдим, — дебди Ҳафизахон.

— Ўртоқларинг кўпми?

— Жуда кўп.

— Икки челақ музқаймоқ бер-сам-чи?

— Қишлоғимиздаги ҳамма қизларга улашардим.

— Қизгинам. Узинг саҳий, ни-ятинг яхши, мақсадинг улғу экан. Яхши ниятларни Аллоҳ қўллаб-қувватлайди. Сен ҳам ниятингга етасан.

Ҳафизахон энди ўзини бутун-

лай тутиб олибди. Нуроний ҳола нимани ургатса, ўшани тақро-рлай берибди. Нуроний ҳола гоҳ ўн, гоҳ чал қўли билан галати-галати ишоралар қилармиш. Ос-мондан кетма-кет сирли ара-вача тушиб кела бошлабди. Ара-вачага сирли кутчалардан юк-ланганмиш.

Нуроний ҳола яна кўллари билан сирли ҳаракатлар қила бошлабди. «Бу ҳаракатлари сен

вача ичидан икки қути музқай-моқ чиқибди. Тўсатдан нуроний ҳола гоийб бўлиб қолибди. Ҳа-физахон кутчалардаги муз-қаймоқлардан бирини еб қурган экан, ё, тавба, ростмана муз-қаймоқдан ҳеч қолшмасмиш. Демак, туш кўраётганини йўқ экан, ҳаммаси ўнгимда бўлаёт-ган экан-да, деб ўйлабди Ҳа-физахон. Аравачани учириб, дарах-лар остида уқлаб ётган уқла-рининг олдига олиб борибди. Бир челақ музқаймоқ чиқариб, уқаларига биттадан улашди. Улар музқаймоқни еб бўлишиб, «Яна, яна!» деб сўрашармиш. Ҳафизахон, демак, тушим эмас, ўнгим экан, деб ўзида йўқ се-виниб, гилдиракли аравачасини учириб, нариги пайкаларда сабази, пиёз ўтаётган ўртоқла-рининг олдига жўнабди. Ўртоқ-лари исиб кетгани учун ишини тўхтатиб, катта толланинг соя-сида салқинлашиб, бир-бири-нинг қошига ўсmalar қўйишиб, бир-бирининг бикинидан чим-даллашиб, қиқирлашиб, қулишиб дам олишадиган экан, Ҳафиза-хонга қўллари тушибди:

— Вой, ўртоқжон, қаёқдан пайдо бўлдинг? — деб қувил-лашибди.

— Осмондан тушдим, — деб-ди Ҳафизахон. — Сизларга муз-

қаймоқ олиб келдим.

Қизлар: «Ҳаммаси бизларга-ми?» дейишибди-ю, ўсма сиқиб ўтирган пиёлаларини хар томон-га отишиб, челақдаги муз-қаймоқларга ёпишибди. Челақ ҳам сеҳрли эканми, ёйишармиш, таги кўринмасмиш, ёйишармиш, ҳеч тугамасмиш. Уша кундан бошлаб уч гилдиракли сеҳрли аравача, осмондан тинмай ёғилиб турган музқаймоқлар ҳақидаги овозалар, миш-мишлар қишлоқ-дан кишлоққа ўтиб, кўчавериб-ди. Хар хил тахминлар ҳам кўлаб берибди. Нима дейсан, Ҳафиза-хоннинг онаси осмонда яшрин-ча музқаймоқ цехи очибди, нима дейсан, осмондаги фаршталар Ҳафизахоннинг уйига челақ-челақ музқаймоқ ташлаб кетаёт-ганимиш, нима дейсан, учар ли-копча одамлари келиб, кишлоқ болаларини ўзларига ўргатиб олиш учун сеҳрли музқаймоқлар улашадиганимиш. Хуллас, мана шунча гаплар кўпайгандан кўпаяверибди. Туман икки иш-лар бўлимида гоят хушёр, гоят зийрак, гоят тадбиркор амвалар ишлар экан. Улар тезлик билан ишга киришиб, текшириб кўриш-са, чинданам музқаймоқларга

қараганда қаймоғи ҳам, шака-ри ҳам мўлроқ эмиш. Хатто, бошлик ўша музқаймоқлардан биттасини еб ҳам кўрибди. Йўқ, камчилик тополмабди. Ле-кин Ҳафизахонни сўроқ қилиб кўрибди.

— Цехим йўқ, — деб жавоб қайтарибди Ҳафизахон.

— Музқаймоқларни қаерда тайёрлайсан? — сўрабди амаки.

— Осмонда тайёрланади, — дебди Ҳафизахон.

— Елгон гапирма, осмонда булутдан бошқа ҳеч нарса бўлмайди.

— Бор, — дебди Ҳафизахон.

— Уша ерда менга ўхшаган қиз-ларнинг яхши ниятлари, пок-иза орзулари, битмаган яхши-ликлари бўлади.

Шу гапларни айтиб Ҳафиза-хон қўллари билан нуроний ҳола ўргатган галати-галати ҳаракатларни тақрорлаган экан, осмондан шоқоладли, мевали, сутли музқаймоқлар шунақачи ёғилибдики, куза-тиб турган одамлар ханг-манг бўлиб қолишибди. Миллион-лар амаки инсофли, ҳам адо-латли экан. Ҳафизахоннинг ҳаракатидея жинотат белгиси йўқ, яхшиши, бу ишни «Коино-тилий текшириш институти» ўргансин, деган қарорга келиб-ди. Ҳафизахон ҳади қилган бир челақ музқаймоқни олиб, «Ҳа, майли, набираларимга бера-р-ман», деб илқинча хайрлашиб кетибди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусxada босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қозондан зийд материаллар қабул қилинамайди.

Тижорат материаллари

МАҢЗИЛИМИЗ:
70000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Б. Гофуров.
Мусаҳҳих — М. Беккулова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Тўро» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5